



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 189 (11.750)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!
Қадри устозлар!
Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуг ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Муаллим зоти азгулик ва маърифат йўлининг беминнат чаробонидир" деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолар фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етуқ, баркамол инсонлар этиб ўстириш, вояга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонкуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб кўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг "Баркамол авлод йили"да, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоханг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Азиз юртдошлар!
Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва аъноларимизга, илгор жаҳон таърибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгиллаш, узок ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда гурур-ифтихор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида – тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида кўлга киритган ютуқ ва марралари ҳақида келтирилган маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва ниҳоят мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яққол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-хунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлири янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилинган ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорти объекти барпо этилгани, 278 та мусика ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илгор педагогик ва акробот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машгулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, ма-

лакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблағ сарфлангани ҳақида, уйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳојати йўқ.

Яна бир муҳим томони – узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз кивфасини, балки бутун жамиятимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарабини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан айниқса эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида яратилган барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз энг аввало бунёд этилаётган шaroитларга бамисоли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яқши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнати рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатётган инсонларни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншоолло.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диққатингизни яна бир масалага қаратиб эитиш истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони энг юқори кўрсаткич, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда мамлакатимиздаги ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрнини, ўз бахтимни айнан шу

касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаширмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк отларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодига бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслақдошим, кўмакчим ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимизга – юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга Ватанимизнинг бугунги раънақи, эртанги истиқболни йўлидаги масъулиятли меҳнатингиз учун халқимиз номидан, ўз номидан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишини ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Қадри дўстлар!
Барчангизни қўлуғ байрамнингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сижат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан бирака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонида мувофиқ Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртва муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Нормухамедова Гулчехра Нуримовна — Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Курбанов Марат Галиевич — Яқмама-яқма кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича катта мураббийи, Бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлари тарма жамоаси бош мураббийи

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гоғга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотланди:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Ганиев Исламкул Тўйчиевич — В.Успенский номидаги Республика мусика академик лицейининг ўқитувчиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Тураев Фарход Рустамович — Яқмама-яқма кураш бўйича Республика Олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

«Дўстлик» ордени билан

Вишневская Лариса Георгиевна — Собир Раҳимов туманидаги 242-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

«Шухрат» медали билан

Ибрагимова Ойдин Абдурахимовна — Мирзо Улугбек туманидаги 525-мактабга таълим муассасаси логопеди

Исмаилова Дильбар Мураҳмедовна — Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Мирмаҳсудова Мавлуда Буриевна — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини қошидаги Миробод академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Фаттахов Мирзахмад Азизович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейининг физика фани ўқитувчиси

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



ДОИМ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ёш авлодни ҳеч қандай кам бўлмаган, замонавий билим ва тажрибани эгаллашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жамиятимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучига айлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бундай масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда жонкуяр педагоглар, ғамхўр мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланмоқда. 29 сентябрь куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида ушбу байрам муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

• «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг 2010 йил 27 сентябрдаги «Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг ўрни ва роли» мавзусидаги давра суҳбати тавсиялари ҳақидаги қарори ўрганиб чиқилди ва унинг талабларини ижро этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

• Жиззах вилоятининг Баҳмал тумани Оқтош қишлоғидаги «Бунёдкор» маҳалласида 30 та замонавий уй-жой биноси бир йўла фойдаланишга топширилиб, янги шаҳарчага асос солиниди ва ҳовли тўйларини ўтказилди. Йил охиригача туман қишлоқларида яна 30 та ана шундай уйларни қуриш режалаштирилган.

• Тошкент вилоятининг Юқоричирик туманида дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «UZGERMED PHARM» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонада йилига уч миллион шартли бирликда «Новокаин», «Кальций глюконат», «Глюкоза», «Димедрол», «Дибазол» каби турли фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб дори воситалари ишлаб чиқарилади. Замонавий технология асосида жиҳозланган корхонада 50 нафардан ортиқ мутахассислар иш билан таъминланди. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, ишчилар сони 120 нафарга етади.

• Бухоро шаҳрида аллома меросини, маънавий олами, ҳаёт йўлини тадқиқ қилиш ва ўрганишга бағишланган «Нақшбандия – баркамоллик таълимоти» мавзусидаги республика аъноавий илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази томонидан ташкил қилинган мазкур анжуманда таниқли олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Молдавияда янги парламентга сайловлар бўйича сайлов кампанияси расман бошланди.

• Шимолий Корея Ташқи ишлар вазирлиги КХДР ядро қувватларини ошириб бориш ниятида эканлигини билдирди.

• Эроннинг атом энергияси бўйича ташкилоти Бушердаги АЭС 2011 йил бошларидан эътиборан электр энергиясини ишлаб чиқаришини маълум қилди.

• Кеча Португалиянинг йирик шаҳарларида минглаб кишилар иштирокида мамлакатда кескин иқтисодий чоралар қўлланилишига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

• Испанияда транспорт соҳаси ходимлари иш ташлади. Мамлакатдаги йирик касабга уюшмалари раҳбарининг таъкидлашича, транспортчилар бош вазири Родригес Сапатеро ҳукумати таклиф этаётган меҳнат ислохотида қарши чиқишмоқда. Иш ташлаш туфайли мамлакатнинг бир неча шаҳарларида поезд, автобус ва самолёт қатновида узил-пирил бўлди.

• Шимолий Америкада 16 сентябрдан 24 сентябрга қадар мамлакат нефть захиралари 475 минг баррелга камайди.

• АҚШ ва Хитой ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиқни тиклайдиган бўлди.

• Душанба куни АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ҳаво ҳарорати 45 даража иссиқни ташкил этди. Метеорологларнинг таъкидлашича, шаҳар тарихида ҳеч қачон бундай иссиқ ҳарорат қайд этилмаган. Жазирама иссиқдан айниқса шаҳар марказида яшовчи аҳоли қаттиқ азият чекмоқда. Метеорологларнинг маълумотларига қараганда, иссиқ ҳаво ҳафта давомида сақланиб қолади.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ватан, ота-она ва устоз. Инсонийликнинг, инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгиловчи, занжир ҳалқалари сингари бир-бирига чамбарчас боғланган бу тушунчалар макон ва замон, олам ва одам, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, авлодлар давомийлигини, инсоният қамолотини таъминлашга хизмат қилади. Ватанини онага, устозни отага мен-гашларнинг сабаби ҳам шунда. Ушбу силсилада муаллимлик рутбаси ҳар доим юксак ва кадрли бўлиб келган. «Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онаси-га, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳаммиса миннатдорлик туйғуси билан яшайди», деб таъкидлайди Ўртабўшмиз.

«...Мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳис-саси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

«...Мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳис-саси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

«...Мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳис-саси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

«...Мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳис-саси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

«...Мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳис-саси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

ОДДИЙ МУАЛЛИМ ЁХУД ЭНГ ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

«...Мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳис-саси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

«...Мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳис-саси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

ДОИМ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг илгор ўқитувчилари, жонкуяр мураббийлар, бўлғуси муаллимлар — талаба-ёшлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари тақдир этилди.

Назм

Сирожддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

СОҒИҢЧ ТОРЛАРИ

(Муаллимларга)

Боқсам йилларнинг сардафарига Сиз мудом камтару ҳоксор турасиз. Менинг юрагимнинг кабутарига Ватан деган сўзини хатлаб берсан Сиз.



МЕҲРИ ДАРЁ ИНСОНЛАР

Халқимизда «Устоз отангдек улуг» деган нақл бежиз айтилмайди. Меҳри дарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиздан бўлиб, бу истиқлол йилларида яна ҳам янгича маъно ва мазмун касб этди. 1 октябрь — Ўқитувчилар ва Мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Устозларимизга эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг шаънига эзгу тилаклар, дил сўзлари янграмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Чилонзор тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, касба уюшмалари ташаббуси билан Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб «Устозга таъзим» байрам тадбири уюштирилиб, унга таълим соҳасида кўп йиллар самарали фаолият юритган фахрий ўқитувчи ва мураббийлар тақдир этилди.

Байрам тадбирида узок йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келадиган ўқитувчилар, ташаббускор, изланувчан ёш педагоглар, жонкуяр мураббийлар ташкилотчилар томонидан муборакбод этилиб, эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Меҳрибон устозлар учун сеvimли хонандалар ижросида дилрабо куй-қўшиқлар янради.

Гулором ХАМИДОВА Козим Ўлмасов олган суратлар

Ўқитувчи — қалб мезмори. Инсоният онгу шуурга тафаккур ва зиё нуруни сингдирувчи, билим сарчашмасидан баҳраманд этгучи, комиллик сари ундовчи — бу ўқитувчидир.

Мамлакатимизда ҳар йили ташаббускор ва ижодкор ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказиб келинади. Ушбу танловда кўплаб иқтидор соҳиблари аниқлиниб, муносиб тақдирланади.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИСИ

Бошқаларга намунали фазилатларга эга бўлиши керак, — дейди 144-мактаб директори Гулнеҳра Расулова. — Машрабхон мактабимизнинг энг фаол ўқитувчиларидан. У дарсларни янги педагогик технологиялар асосида, ноанъанавий услублардан фойдаланган ҳолда олиб боришга ҳаракат қилади. Уз касбига фидойилиги, жонкуяр ва изланувчанлиги билан ҳамкасблари орасида алоҳида ажрилик туради. Иш фаолияти давомида мутахассислиги бўйича малакасини ошириб боради. Фан ойлукларида ўтказадиган оқик дарслари ҳар доим муносиб баҳоланади. Эътиборлиси, Машрабхоннинг «Ўқитувчи ёрдам», «Бошлангич таълим — билимлар пойдевори», «Иш таърибасидан намуналар» номли услубий қўлланмаларидан туман миқёсида кенг фойдаланилади. Унинг ҳар бир дарсини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Мактабимиз вакили республикада «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» деб топилгани бизни ниҳоятда қувонтирди. Шундай касбдошимиз билан албатта фахрланамиз.



Дилором ИКРОМОВА

ҲАФТЛИК ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 4

Ўзбекистон

05.55 Қўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон»... 07.00 «Икки тақдир» Т/с. 07.05 «Тонгги наволар»... 07.10 «Икки тақдир» Т/с. 07.50 «Тонгги наволар»... 08.00 «Ташхилнома»... 08.40 ТВ - анонс. 8.45 - 9.45 «Манакият» дастури... 09.45 «Бизнинг кутубхона»... 10.05 «КОАТ» М/ф. 10.45 ТВ - анонс. 10.50 «Икким»... 10.55 «Сизнинг адвокатингиз»... 11.00 «Ахборот»... 11.10 ТВ - анонс. 11.15 «Ватанпарвар»... 11.55 «Икким»... 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»... 12.50 ТВ - анонс. 12.55 «Изҳор»... 13.00 Миллий кино: «Учрашув»... 14.00 «Ахборот»... 14.15 ТВ - анонс. 14.20 «Тарақиёт сари»... 14.40 «Тарих қўзғиси»... 15.00 «Икким»... 15.05 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра»... 16.00 ТВ - анонс. 16.05 «Очун»... 16.15 «Ватан манзиллари»... 16.40 «Ўзбекистон табияти»... 17.00 «Ахборот»... 17.10 ТВ - анонс. 17.15 2010 йил - Барқамол авлод йили: «Истиклол фарандари»... «Болалар сайраси»: 17.35 «Эртақлар - яшилликка етаклар»... 17.55 «Сизнинг адвокатингиз»... 18.00 «Икким»... 18.05 «Олтин мерос»... 18.15 ТВ - анонс. 18.20 Миллий сериал: «Ҳаёт синовлари»... 18.55 «Менинг оилам»... 19.20 ТВ - шифокор»... 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар... 19.30 «Ахборот» /рус/. 20.05 ТВ - анонс. 20.10 Миллий сериал: «Жийда гули»... 20.45 «Ватанимни куйлайман»... 21.00 «Ахборот»... 21.35 ТВ - анонс. 21.40 2010 йил - Барқамол авлод йили: «Мен вилликман»... 21.55 «Кирол ва мен» Т/с. 22.35 «Икким»... 22.40 «Жажи Доррит» Б/ф. 23.40 «23.50 «Очун»... 23.50 Қўрсатувлар дастури. 23.55 «Тарақиёт сари»... 00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўна Тошкентим»... 00.35 «Менинг оилам»... 1.00 «Ахборот» /рус/. 01.30 ТВ - анонс. 1.35 - 2.35 «Манакият» дастури. 02.35 «Ватан манзиллари»... 03.00 «Олтин мерос»... 03.10 «Ассалом, Ўзбекистон»... 04.00 «Ахборот»... 04.30 ТВ - анонс. 04.35 Миллий сериал: «Ҳаёт синовлари»... 05.10 «Мен вилликман»... 05.25 «Ўзбекистон табияти»... 05.45 - 05.55 «Очун»...

Ешлар

06.00 «Салом, Ўшлар!»... 06.40 «Табассум кил»... 06.50 «Мультианорама»... 08.00 «Ешлик наволари»... 08.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган соғина»... 08.55 «Телехўш»... 09.00 «Муъжизавий дунё»... 10.00 «Дар ҳафта ичун»... 10.30 «Ибратли умр»... 10.50 «Кўнгил куйи»... 11.50 «Кумуш» Т/с. 12.40 «Ешлик наволари»... 13.00 «Давр»... 13.10 «Мультианорама»... 13.50 «Қорадалок ёшлари»... 14.00 «Император аёл» Т/с. 14.50 «Афсона ва ҳақиқат»... 15.50 «Самарқанд юлдузи»... 16.00 «Давр»... 16.10 «Салом, Ўшлар!»... 16.50 «Кўчкуч Рекс» М/ф. 17.00 «Сторт Литтл» Б/ф. 17.50 «Ассалом, Ўзбекистон»... 18.50 «Икким»... 19.00 «Давр»... 19.30 «Кумуш» Т/с. 20.20 «Ешлик наволари»... 20.40 «Давр мавзуси»... 20.50 «Атлантаури»... 21.10 «Император аёл» Т/с. 22.00 «Давр»... 22.30 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган соғина»... 23.10 «Ешлик наволари»... 23.30 «Емгир симфонияси» Т/с. 00.00 «Галактика»... 00.50 «Тунги парвоз»... 01.20 «Салом, Ўшлар!»... 02.00 «Давр»... 02.30 «Бехосият уй» Б/ф. 04.30 «Муқдамалар»... 04.30 «Шарҳ оқнавлари»... 05.50 «05.00 «Мадия»... «Тошкент» 07.25 Қўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!»... 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Карвонсарой»... 08.45 Мультисериал: «Ой боланинг саргузашлари»... 08.55 «Истеъдод»... 09.15 «Анонс»... 09.20 «Кўк қуш» Б/ф. 10.55 «Болалик қайтиб»... 11.10 «Саргузаштар ороли»... 11.30 2010 йил-Барқамол авлод йили: «Эртакият эгалари»... 11.45 «Омад ҳаммаша келавермайди» Б/ф. 13.00 «Салом, Тошкент!»... 13.50 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунча гаплар»... 14.05 «Дунё» теледастури. 14.45 «Анонс»... 15.00 «Пойтахт»... 15.10 «Елгиз қиз» Т/с 1-қисм. 15.35 «Карвонсарой»... 15.45 «Бемби» М/ф. 1қисм. 16.25 «Фанга назар» Х/ф. 1-2 қисмлар. 16.55 «Менинг шаҳрим»... 17.15 Миллий сериал: «Чархпалак»... 17.55 «Анонс»... 18.00 «Пойтахт»... 18.20 «Тошкентнинг илм масканлари»... 18.55 «Кўнгил риштаси» Т/с 74-қисм. 19.30 Тошкент тароналари. 19.45 «Телекурёр-маркет»... 19.55 «Анонс»... 20.00 «Пойтахт»... 20.20 Бизнес «Пойтахт»... 20.30 «Йиларим»... 20.35 «Иносон матонати» Т/с 98-қисм. 21.05 «Анонс»...

Тошкент тароналари

21.15 Тошкент тароналари. 21.55 «Анонс»... 22.15 «Анонс»... 22.25 «Анонс»... 22.30 «Пойтахт» /рус/. 22.50 «Кино SMS со звездами»... 22.55 «Бенд» Х/ф. 00.30 Қўрсатувлар тартиби. 00.35 Ночной сеанс: «Грабление по-итальянски» Х/ф. 02.25 «Уларим»... 02.30 Икким. 02.35 «Анонс»... 02.40 «Тошкентнинг илм масканлари»... 02.55 «Фанга назар» Х/ф. 1-2 қисмлар. 03.25 Тунги киносеанс: «Кўк қуш» Б/ф. 05.00 «Пойтахт»... 05.20 «Та-монолог»... 05.30 «Салом, Тошкент!»... 06.20 Бизнес «Пойтахт»... 06.25 Миллий сериал: «Чархпалак»... 12-қисм. 07.05 «Пойтахт»... 07.20-07.25 «Анонс»... «Спорт» 6.00 «Хайри тоғ» 6.05 «Анонс»... 6.10 «Саломат бўлинг»... 6.30 Хабарлар. 7.00 «Анонс»... 7.05 «Тренируемся вместе»... 7.25 Болалар майдонаси: Тонги гимнастика. 01.20 «Салом, Ўшлар!»... 02.00 «Давр»... 02.30 «Бехосият уй» Б/ф. 04.30 «Муқдамалар»... 04.30 «Шарҳ оқнавлари»... 05.50 «05.00 «Мадия»... «Тошкент» 07.25 Қўрсатувлар тартиби. 07.30 «Салом, Тошкент!»... 08.20 Тошкент тароналари. 08.35 «Карвонсарой»... 08.45 Мультисериал: «Ой боланинг саргузашлари»... 08.55 «Истеъдод»... 09.15 «Анонс»... 09.20 «Кўк қуш» Б/ф. 10.55 «Болалик қайтиб»... 11.10 «Саргузаштар ороли»... 11.30 2010 йил-Барқамол авлод йили: «Эртакият эгалари»... 11.45 «Омад ҳаммаша келавермайди» Б/ф. 13.00 «Салом, Тошкент!»... 13.50 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунча гаплар»... 14.05 «Дунё» теледастури. 14.45 «Анонс»... 15.00 «Пойтахт»... 15.10 «Елгиз қиз» Т/с 1-қисм. 15.35 «Карвонсарой»... 15.45 «Бемби» М/ф. 1қисм. 16.25 «Фанга назар» Х/ф. 1-2 қисмлар. 16.55 «Менинг шаҳрим»... 17.15 Миллий сериал: «Чархпалак»... 17.55 «Анонс»... 18.00 Болалар майдонаси: «Спортландия»... 18.05 АНОНС. 8.00 ХАБАРЛАР. 8.30 АНОНС. 8.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насас» - «Бунёдкор»... 10.15 АНОНС. 10.20 «Ринг қирқилди»... 11.00 От спорти. Бутунжаҳон ўйинлари. 12.10 Волейбол. Жаҳон чемпионати. 13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. * * * 13.05 Болалар майдонаси: «Спортландия»... 13.10 Мультисериал: «Ой боланинг саргузашлари»... 13.30 АНОНС. 13.35 «Спорт - менинг ҳаётим»... 14.00 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. 15.10 АНОНС. 15.15 Теннис. WTA турнири. 15.20 «ИнтерФутбол»... 17.55 АНОНС. * * * 18.00 Болалар майдонаси: «Спортландия»... 18.05 АНОНС. 18.25 АНОНС. 18.30 «Барқамол авлод»... 18.45 АХАБАРЛАР. 19.00 АНОНС. 19.05 Даждо. Жаҳон кубоги. 19.55 Саломатлик хазинаси. 20.50 «Ливерпуль» тарихи. 20.20 Гандбол. Чемпионат лигаси шарҳи. 20.40 «Футбол шарҳи»... 21.40 АНОНС. 21.45 АХАБАРЛАР. 22.00 Саломатлик хазинаси. 22.05 ИнтерФутбол. 22.55 «Профессионал бокс: Рой Жонсонг энг яхши жанглари»... 00.55 АНОНС. 1.00 Тунги Хабарлар. 1.10 АНОНС.

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 08.30 «Жить здорово!»... 09.30 «Знакомство с родителями»... 10.25 «Контрольная закупка»... 11.20 «Модный приговор»... 12.20 «Детективы»... 13.00 Друзья новости... 13.25 «Понять. Простить»... 14.25 «Хочу знать» с Михаилом Ширвиндтом... 14.55 Серия «Обручальное кольцо»... 15.50 «Федеральный судья»... 17.00 Вечерние новости... 17.20 «След»... 18.00 «Жди меня»... 18.50 «Побег»... 20.00 «Время»... 20.30 «Побег»... 21.30 Спецрасследование. «Жесткая посадка»... 22.30 Ночные новости... 22.50 Худ. фильм «Хол-стрит»... 01.00, 02.05 Худ. фильм «Потерянный рейс»... 02.40 Сериал «Спасите Грейс»... «Россия» 04.00 Утро России... 08.05 «Не родись красивой. Майя Булгакова»... 09.00 «О самом главном». Ток-шоу... 10.00 Вести... 10.30 Вести-Москва... 10.50 Сериал «Маршрут милосердия»... 11.50 «Настоящая жизнь»... 12.45 Вести. Дежурная часть... 13.00 Вести... 13.30 Вести-Москва... 13.50 Сериал «Куклы колдуна». 5 серия... 14.25 Сериал «Кулагин и партнеры»... 15.00 Вести... 15.30 Вести-Москва... 15.50 Сериал «Слово женщине»... 16.55 Сериал «Ефросинья»... 17.55 Сериал «Институт благородных девиц»... 19.30 Вести... 19.50 Местное время. Вести... 19.50 Спокойной ночи, малыши!... 20.00 Сериал «Была любовь»... 22.45 «Дежурный по стране». Михаил Жванецкий... 23.45 Вести +... 00.05 «Честный детектив»... 00.45 Худ. фильм «Был месяц май»... 01.15 «Не родись красивой. Майя Булгакова»... «NTV» 03.55 Информационный канал «NTV утр»... 06.30 «Кулинарный поединок» с Михаилом Пореченковым... 07.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие... 08.00 Сегодня... 08.20 Обзор. Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю... 08.55 Премьера «До суда»... 10.00 Суд присяжных... 11.00 Сегодня... 11.30 Сериал «Закон и порядок»... 19.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие... 14.00 Сегодня...

Россия

14.30 Сериал «Возвращение Мухоморова»... 16.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие... 17.00 Сегодня... 17.30 Премьера. Александр Попов... 18.20 «Один за всех» Ток-шоу... 19.30 Премьера. Детективный сериал «Глухарь. Возвращение»... 21.15 «Мен вилликман»... 22.25 «Школа словесник». Ток-шоу Татьяны Толстой и Людмилы Смирновой. Виктор Живов... 23.15 Профессия - репортер... 23.45 Острозажетный фильм «Перебродский» (США-Канада)... 01:55 Александр Буалев, Ками Кавасаде, Сергей Николенко и Ярослав Бойко в сериале «Граф Крестовский»... 02:50 - 03:55 «Очная ставка»... ТВ 3 05:00 Мультисериал «Годзилла»... 05:30 Мультисериал «Охотники за привидениями»... 06:00 Док.фильм «Мир в разрезе»... 06:30 Программа «Как это сделано»... 25 часть... 07:00 Док.фильм «Современные чудеса». 21 серия... 08:00 Док.фильм «Тайны века: проклятия золота инков»... 08:30 Док.фильм «Хол-стрит»... 09:00 Сериал «Ангар 13». 4 серия... 10:00 Фильм «Женщина-кошка»... США, 2004... 12:00 Док.фильм «Не такие. Союзство с крокодилом»... 13:00 Док.фильм «Тайны века: обратная сторона луны»... 14:00 Программа «Далеко и еще дальше» с Михаилом Кожуховым... 15:00 Программа «Как это сделано»... 26 часть... 15:30 Док.фильм «За пределами науки»... 16:00 Сериал «Беглец». 13 серия... 17:00 Сериал «Ангар 13». 5 серия... 18:00 Сериал «Касл». 9 серия... 19:00 Сериал «Куклы колдуна». 5 серия... 20:00 Док.фильм «Война полов. Карьера»... 21:00 Фильм «Луна 2112». США, 2009... 20:00 Док.фильм «Луна»... 00:00 Сериал «За гранью возможного». 119 серия... Профилектика на канале с 23:45 до 03:00... «Ўзбекистон» 05.55 Қўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон»... 07.00 «Икким»... 07.05 ТВ - анонс. 7.10 «Икки тақдир» Т/с. 07.50 «Тонгги наволар»... 08.00 «Ахборот»... 08.35 ТВ - анонс. 8.40 «Тарақиёт сари»... 8.45 «Тарих қўзғиси»... 9.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўна Тошкентим»... 9.05 «Менинг оилам»... 10.00 «Ахборот» /рус/. 01.30 ТВ - анонс. 1.35 - 2.35 «Манакият» дастури. 02.35 «Ватан манзиллари»... 03.00 «Олтин мерос»... 03.10 «Ассалом, Ўзбекистон»... 04.00 «Ахборот»... 04.30 ТВ - анонс. 04.35 Миллий сериал: «Ҳаёт синовлари»... 05.10 «Мен вилликман»... 05.25 «Ўзбекистон табияти»... 05.45 - 05.55 «Очун»...

Ташкент

